



Бухоро Амирлиги Сарой-Боғлари Меъморлиги. Кармана Сарой-Боғлари

Абдурахимов Рустам Батиржонович

Тошкент Кимё Халқаро Университети “Архитектура ва шаҳарсозлик” кафедраси (PhD) доценти.

Тошкент.

e-mail: rustam3930@mail.ru

Тел.: (99) 860-42-45

ABSTRACT

Ушбу мақолада Бухоро амирларининг иккинчи пойтахти саналмиш Карманадаги сарой-боғларнинг шаклланиши ҳақида сўз боради. Саройларнинг жойлашган ўрни, функционал жиҳатдан қай тарзда шакллангани, эстетик ривожланишида ҳалқ уста меъморларининг ўрни, келажакда обидаларнинг қандай қилиб инновацион тизимда график реконструкция усувларидан фойдаланиб асраш, маълумотларни тўплаш масалалари ҳақида ҳам сўз боради.

ARTICLE INFO

Received: 8th July 2024

Accepted: 6th August 2024

KEY WORDS:

сарой-боғ, сарой, боғ, чорбоғ, синч, чўбкори, кўшсинч, архитектуравий услублар, мавритан, эклектика, Бухоро амири, меъморий обида.

Кириш

Бухоро амирлигининг таркибий қисмига кирган Кармана қадим ўтмишга эгадир. Бухоро аркининг ташқарисида Зарафшон дарёси бўйларида худудлари жуда кўп табиий тўқайзолар ва баҳаво ландшафт майдонларига эга бўлган. Амирлар бу ерларда ов учун, дам олиш учун кўп ташриф буоришган. Шу сабабдан бу ерларда ўзларининг кўплаб сарой боғларини қуришган. Айниқса Бухоро амирларида Амир Музаффархон, Амир Абдулаҳадхон, Амир Олимхонларнинг Карманадаги жуда кўп сарой боғларни қурдишган.

Тадқиқотнинг долзарблиги.

Бухоро хонлигига сарой-боғлар Фарғона ва Хоразм хонликлари боғ саройларидан шаҳарлардан ташқарида кенг ҳудудда, алоҳида боғ ансамбл тарзида шаклланганлиги билан фарқ қиласи. Улар таркибиги кирган қабулхона, яшаш хоналари, масжид, ёзги сарой, ошхона, ҳарам ва бошқа иморатлар, ховузлар кенг боғ бағрида такрор ҳолда жойлашган. Бухоро амирлигининг охириги 100 йилликдаги сарой-боғлар архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. [9, 27-28-б]

Сарой боғлар архитектураси, айнан Карманадагилари кам ўрганилгани, улар ҳақидаги маълумотларни жамлаб манба яратиш ва қолганларининг асрар қолиш масалаларининг ечимларини топиш тадқиқотнинг долзарблиги ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ва усувлари.

Амир Музаффархоннинг ўлимидан сўнг тахга ўтирган Амир Абдулаҳадхон Карманани иккинчи пойтахт сифатида шакллантиради. У ерда жуда кўп сарой-боғлар барпо этади. У қурдирган

сарой-боғларнинг кўпчилиги Зарафшон дарёси бўйларида жойлашган эди. Сарой боғлар яратилиши албатта қадимги ота-боболар боғ-сарой анъаналарини давом эттирган ҳолда, шу билан биргаликда янги услубларни уйғунлаштириб амалга оширишган.

Кармана табиати хушманзара, қадимдан ўзлаштирилган жойда, Зарафшон дарёси ўрта кисмининг ғарб томонидаги ҳосилдор ерларда жойлашган. Бухорога нисбатан ўзининг соғлом иклими ва тоза ҳавоси билан ажралиб турган. Кармана кенг боғ-роғлар биланг ўралган. Шу туфали аслида Манғит амирлари ўз қароргоҳларини кўчирганлиги бежизга эмас.(Ахадхон даврида) Амир Абдулаҳадхон даврида Карманада ўзига хос меъморчилик услугига эга бўлган муҳташам саройлар вужудга келган. Бу даврда мавжуд сарой ва боғлар таъмирланиб, обод жойларга айтанирилиши билан бир қаторда, янги боғ ва саройлар-Аскаробод, Жарчорбоғ, Мирзачорбоғ, Боғиолчин, Гулчорбоғ, Хайдаробод каби гўзал ва кўркам сарой-боғлар бунёд этилган.[1, 28-б, 96-б]

Тадқиқот натижалари.

Тарихий асарларда Манғит амирлари даврида Бухоро давлатида Карманадаги Чорбоғи Мирзо ва Чорбоғи Чармгарий ҳамда Чорбоғи Олчин пойтахт амирларининг дам оладиган жойи сифатида маълум бўлган. [8, 36-б]

Бухоро амирларининг кўпчилиги истиқомат қилган қадимий сарой боғлардан бўлмиш Чармгарчорбоғдир. Тарихий маълумотларга қараганда Абдуллаҳон даврида курилиб шаклланган ушбу сарой-боғ ҳудудида дастлаб Абдуллаҳон уйи ва мажиди бўлган. Унинг жойлашган ўрни, ҳозирда Карманадаги хунар-техника билимюрти коллежининг ҳудудида бўлган. Ҳозирда умуман йўқ бўлиб кетган. Шундай бўлсада архив маълумотлари ва объект атрофидаги аҳолидан суриштирувлар натижаси шуни кўрсатадики Зарафшон дарёсига қаратиб қурилган бу сарой-боғ жуда мукаммал тархли, қурилиш ва безаш ишлари Бухоро меъморчилик мактабининг нодир намунасидир.



Карманадаги мавжуд сарой-боглар жойлашуви харитаси

Мирзачорбог эса Кармананинг Кўхнакўрғони худудида жойлашган. Қолган саройларга нисбатан мукаммал тархий композицион ечимга эга бўлган. Абдулаҳадхоннинг 15 йил давомида Карманадаги сарой боғлари қурилишида иштирок этган Уста Ширин Муродов бу саройда ҳам ўзининг моҳирлигини кўрсатган. Мирзачорбог ҳозиргacha қисман сақланиб қолган, ягона обида хисобланади. Унинг кейинги тақдир ҳақида бош қотириш мутахасислар олдидаги долзарб муаммолардан биридир. Кўп таклиф лойиҳаларига кўра қисман сақлаб қолиш, консервация қилиш, қайта тиклаш таклифлари устида бош қотирилмоқда.

Саройларнинг Яна бири бу Хайрободчорбогидир. Ҳозирги кунда худуди болалар оромгоҳи сифатида фойдаланиб келинмоқда. Абдулаҳадхон айнан шу ерда вафот этган. [4, 19-6]

Ундан ташқари Хончорбог, Гулчорбог, Боги Олчин, Аскаробод чорбоги, Закотчилар чорбоги, Носирбодомчорбог, Жарчорбоглар мавжуд бўлган, лекин булар ҳақида маълумотлар жуда кам. Фақатгина номларидан билинадиган вазифавий жиҳатларини билиш мумкин. Мисол учун Гулчорбогда жудаям кўп ноёб, гул ва дараҳт кўчатлари мавжуд бўлган. Ўсимликларнинг асосий қисми чет элдан келтирилган.

Закотчилар чорбоғида эса Амир ва бошқа амалдорлар ўзларининг закотларини тарқатганлар. Шунингдек сарой ва унга туташ боғларда мавсумий мевали ва манзарали дараҳлар ҳам экилган. Гилос, Зардоли, Олма каби мевалар жуда катта хажмда чет элларга ҳам сотилган. Айниқса узумнинг турлари жудаям хилма-хил бўлган. [2, 128-6]

Сарой-богларнинг номлари уларни бунёд этган усталарнинг номлари билан чамбарчас боғлиқдир. И.Ноткин, В.Нилсен тадқиқотларида Уста Муродов, Уста Ҳафизов кабиларнинг

ижодларида анъанавий усуллар билан янгича услублар қўлланилганлигига эътибор берадилар. [6, 145-6]



*Мирзачорбог сарой-богининг интеръери график реконструкцияси
(муаллиф фотолари асосида)*

Тадқиқот мухокамаси ва хulosалар

Сарой-боғлар меъморчилиги жуда чуқур ва синчковлик билан тадқиқотлар ўтказишни талаб қиласди. Уларнинг тарихан шаклланиши ҳақидаги қимматли маълумотлар нафақат ёзма манбааларда балки, мутахасиаслар томонидан йирик изланишлар олиб борилиб, тархий чизмалари тикланиши лозим. Агар йўқ бўлиб кетган бўлса даврий аналоглар асосида бўлсада чизмаларни қайта тиклаш лозим. Бунда бизга албатта замонавий инновацион комъюнтиер дастурлари қўл келади. CAD, 3DMax, 3Dprint системаларида ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ хиобланади. Бундай дастурлар вақтни ва иш унумдорлигини ошириб, меъморий обидаларнинг график қайта тиклаш лойиҳаларини сифатли амалга оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Хайтова О., Курбонов Х. Кармана тарихи. Тошкент.:2018 .(28-б)
2. Ҳалилов Ш., Карманаю пирга бой. Тошкент.:2018.(128-б)
3. Уралов А.С., Садыкова.С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати. Тошкент.:2012. (15-17,27-28-б)
4. Хотамов А., Бекниёзов Н.. Кармана-қадимий диёр. Тошкент. 2007.(19, 55-61-б)
5. Иноятов С., Тураев С.. Амир Абдул Ахадхон даврида Кармана. Тошкент 2004. (45-46-б)
6. Ремпель Л.И. Далёкое близкое. Бухарские записки. Тошкент.:1982
7. Ноткин И.И. Бухарская резьба по ганчу в работах Усто Ширина Мурадова. Тошкент1961.(85-86-б).
8. Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи нофеъий. Тошкент.(36-б.)
9. Уралов А.С., Садыкова.С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати. Тошкент.:2012 й. (27-28-б.)